

Нутқий Этикетларнинг Лингвокультурологик Тадқиқи

Каримова Зарнигор¹

Резюме: Мақолада инсон ички маданияти ва унинг мисолида маълум халқ маданиятини кўрсатувчи энг йирик воситалардан бири – бу тил эканлиги таъкидланади. Шу сабабли ҳам нутқий этикет шакллари тилшунослик фанининг ҳам қизиқарли масалаларга бой ўрганиш объекти бўла олиши ҳақида фикрлар билдирган.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ, мулоқот, нутқий компетенция дискурс, матн, нутқий этикет коммуникация, ахлоқ, одат, мазмун, услуб.

Жаҳон тилшунослигида тилда миллат белгиси акс этиши билан боғлиқ қарашлар Вильгельм фон Гумбольдт ғояларига асосланади. Буюк немис мутафаккири олимнинг “Тил халқлар руҳининг худди зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан-да бир-бирига айнан мос бошқа нарсани тасаввур қилиб бўлмайди” ёки “Миллатнинг характерини ахлоқ, одат, хатти-ҳаракатидан кўра, тилига қараб осонлик билан билиш мумкин”² деган фикрлари айнан тилда миллат белгилари доимо мавжуд бўлишига ишора қилиб, лингвокультурологиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда нутқий этикетлар масаланинг асосий марказидан ўрин эгаллайди. Ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлоний “Миллат тилини йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир”³, деб таъкидлаганда, тил ва миллат руҳининг муштараклиги ҳақидаги қарашлари В.Гумбольдт ғояларига бевосита ҳамоҳангликда туташиб кетади.

Маданиятлараро нутқий компетенция атамасини ишлатганимизда маданиятлар, яъни икки ва ундан ортиқ халқлар маданияти ўртасидаги нутқий этикетлар тушунилади. Бу ўринда турли маданиятга эга бўлган жамият аъзоларининг ўзаро фарқли нутқий одатлари уйғунлашуви дейиш мумкин. Турли ижтимоий муҳит вакиллари ўзаро учрашганда нима юз беришини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди, аксинча, уларнинг нутқий фаолиятида ҳар иккала маданият шаклидан фарқланувчи оралик нутқий этикет пайдо бўлади.

Инсон ички маданияти ва унинг мисолида маълум халқ маданиятини кўрсатувчи энг йирик воситалардан бири – бу тилдир. Шу сабабли ҳам нутқий этикет шакллари тилшунослик фанининг ҳам қизиқарли масалаларга бой ўрганиш объекти бўла олади. Ҳар бир тилда кишилар сўзлашар экан, уларнинг табиатига хос тарзда этикетлар шаклланади ва ўзига хос нутқий этикет қолиплари урфга айланади. Аммо уларнинг шаклланиши ўта ижтимоийлашган ҳодисалар асосида юз бергани боис бир тил доирасида олиб борилган кузатишларда уларнинг мавжудлик белгиларини илғаш қийин. Бошқа бир тилга, айниқса, бир-биридан узоқ тарих ва маданият йўлини босиб ўтган халқлар нутқий фаолиятини ўзаро қиёслаб ўрганилганда, улардаги белгилар яққол кўзга ташланади.

Нутқ маданияти билан боғлиқ муаммолар фанимиз тарихида антик давр тилшунослигига бориб тақалади. Ўзбек тилшунослигида нутқий этикетни ифодаловчи воситалар, бошқа кўплаб халқлар тилшунослиги тарихида бўлгани каби, даставвал, маданиятшунослик, одоб-ахлоқ меъёрлари қаторида ўрганилган. Бу давр адабиётларида ўрганилган нутқий этикет, жумладан, мулоқот шакллари тил бирлиги сифатида эмас, балки тарбия ифодаси, инсон шахсиятининг

¹ Андижон давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси магистри

² Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 68, 324. Бу ҳақда қаранг: Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 57.

³ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.60.



намоён этувчи тушунчалар сифатида таҳлил этилган. Бу каби асарлар моҳиятига кўра илмийликка нисбатан кўпроқ дидактик характерга эга ҳисобланади. Уларда панд-насихат килиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва асар мақсадига кўра ҳам ўрганишдан кўра ўргатиш устуворлиги сезилади. Бундай асарлар қаторига Кайковуснинг “Қобуснома”, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Аҳмад Югнакийнинг “Хибатул ҳақойиқ”, Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” ва “Бўстон” Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулб”, Абдулла Авланийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Пандномалар” кабиларни киритиш мумкин.

Нутқий этикетни ифодаловчи бирликлар кейинчалик фан доирасида ўрганила бошланди. Дастлабки даврларда нотиклик, нутқ маданияти ва нутқ этикаси масалалари таркибида ўрганилган мазкур бирликларнинг ўзбек тилшунослиги фани доирасида тадқиқ этилишида рус тилшунослиги вакилларининг ўрни катта бўлди. Бажарилган ишлар характерига кўра, нутқ маданияти, мулоқотга киришиши сирлари, усуллари, бундан ташқари, услуб, ахлоқ каби масалаларга кўпроқ алоқадор бўлса-да, уларда нутқий этикет бирликлари маълумжиҳати билан ўрганилганлиги, муҳими, тадқиқот объекти сифатида ажратилганлигини кўриш мумкин.

Кўринадики, инсон мулоқот нутқига оид тадқиқотлар у ёки бу йўналишда турли номлар остида амалга оширилган бўлса-да, тилшунослар бу масалаларга ҳамма даврларда ҳам катта қизиқиш билан қараб келганлар.

Ўзбек тилшунослигида нутқий одатларнинг илмий асослари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бу соҳа ривожига кўплаб олимлар қаторида профессор Н.Маҳмудовнинг алоҳида хизматлари бор. Илмий изланишларида ўзбек тили нутқий меъёрларининг ўзига хос томонлари лингвокультурологик, антропоцентрик ҳамда когнитив тилшунослик ютуқларини ўзига сингдирган янгича қарашлар асосида чуқур тадқиқ этиб берилди⁴. Тилда ўхшатишларнинг турғунлашуви ҳодисасига алоҳида урғу берган олим уни халқ турмуш тарзи, яшаш одатлари билан боғлиқлигини таъкидлайди: “халқнинг дунёни кўриши ва англашидаги ўзига хослик, яъни миллий-маданий ва миллий-коннотатив маълумот бевосита айна ўхшатиш эталонида ўз тажассумини топади”⁵. Оламнинг лисоний манзарасининг миллийлик билан боғлиқ жиҳатлари ўхшатишлар воситасида янада аниқ намоён бўлишини назарий асослаган олим “бошқа унсурлар имплицит ифодалана билгани ҳолда, ўхшатиш эталони фақат эксплицит ифодаланмоғи шарт, яъни ўхшатиш эталони бевосита лисоний ифодага эга бўлмаса, ўхшатиш мазмунидаги ибора”⁶ шакллана олмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Н.Маҳмудов нутқ услублари, жумладан, ўзбек тилида иш юритиш масалаларининг назарий асосланишига катта ҳисса қўшди. Олим давлат ва жамият ўртасида тил воситасининг аҳамиятини ёритар экан, нутқий фаолиятда жамият кишиларининг ахлоқ нормаларига дахлдор қимматли фикрларни баён этади. Кўринадики, жамият интизоми унинг нутқий муносабатларида акс этар экан, ҳар бир тилнинг ўзига хос томонлари бўлиши билан бирга, барча тилларда мавжуд бўлган нозик ўхшашликларга ҳам эга бўлади.

Профессор С.Мўминов ўз илмий изланишларида ўзбек мулоқот хулқини илк бор ижтимоий лисоний аспектда ўзбек коммуникантлари фаолиятининг композицион босқичлари, коммуникантлар ўртасидаги муносабатнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, мулоқот хулқининг жинс, ёш, социал ва ҳудуд жиҳатидан хосланишини атрофлича тадқиқ этди.

Олимнинг илмий тадқиқотлари бевосита нутқ маданияти масалаларига бағишланган бўлиб, асосан, мулоқот босқичлари, жараённинг мақсадли кечиши шартлари, мулоқот иштирокчиларининг шахс хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар баён этилган⁷.

Профессорнинг илмий изланишларида мулоқот хулқининг ижтимоий омилларга боғлиқлиги аниқланган. Изланишлар натижасида инсон нутқининг шаклланишида унинг руҳияти, миллати,

⁴ Н.Маҳмудов. Тил тилсими тадқиқи – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. 176 бет.

⁵ Н.Маҳмудов. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б.168.

⁶ Н.Маҳмудов. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. –Б.168.

⁷ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.47.



яшаш жойи, маънавияти ва маданияти, эътиқоди, урф-одатлари, жинси, ёши, касб-хунари ва жамиятда туган ўрни катта аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, нутқнинг гендер хосланиши масаласига алоҳида тўхтаб ўтилган. В.М.Аплатов имлий қарашларига таяниб, Японияда махсус аёллар тили мавжудлигини таъкидлар экан, олим ўзбек аёллари нутқига хос бўлган жиҳатларни ажратиб кўрсатади, ўз навбатида, оппозицияда эркаклар нутқининг белгилари фарқланади. Шу билан бирга ўзбекларда эркаклар ва аёллар мулоқотининг нолисоний воситалари ҳақида маълумотлар берилган. Олимнинг тадқиқотларида мулоқотда ҳатто сукутнинг ўрни ҳақида маълумот берилган⁸. Нутқий этикетларда бу фарқланишларни билиш ва уларга амал қилиш ниҳоятда муҳим.

Ш.Искандарова нутқий этикет учун мулоқотнинг ўрни ва пайтининг мавжудлиги, сўзловчи ва тингловчининг иштироки, мақсад, асос, алоқа воситалари, хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлар, ижтимоий белгилар, вазиятнинг расмий ва норасмийлиги белгиларини танлаб, уларни барқарор ва ўзгарувчан белгиларга ажратиб тадқиқ этади⁹.

Қ.Расулов мулоқотнинг касб билан боғлиқ меъёрлари, уларнинг лисоний ва нолисоний шакл ҳамда воситалари, мулоқот жараёнида коммуникантларнинг ижтимоий роли, ижтимоий позицияси, коммуникант нутқининг касб-кор жиҳатидан ўзига хослигини изоҳлаб турувчи лисоний ва нолисоний воситалар, касбий этика ва касб характерининг коммуникант мулоқот хулқига таъсири ва унинг нутқда ифода этилиш хусусиятлари, турли касб-кор эгаларининг ахборот узатишида иштирок этувчи новербал воситалар тизими мавжудлиги ва бу воситаларнинг ижтимоий функционаллашуви, ижтимоий фаол касб-кор эгалари сифатида ўқитувчилар, ички ишлар идоралари ходимлари ва савдо ходимлари мулоқот хулқининг ўзига хос жиҳатларини атрофлича ўрганган¹⁰.

Нутқ маданиятига бағишланган мазкур ишлар аксарияти бир тил доирасида ўрганилган. Кўринадикки, нутқ маданияти доирасида ўзбек тилшунослигида олиб борилган ишлар бир тил қонуниятларинигина ўрганиш билан чекланган, шу аснода қиёсий планда олиб бориладиган ишларга эҳтиёж мавжуддир, деб айтишга тўла асосимиз бор.

⁸ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.47.

⁹ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – Б.27.

¹⁰ Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

